

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Туризм соҳасига қўшимча имтиёзлар тақдим этилади

Президентнинг 19.06.2020 йилдаги ПҚ-4755-сон қарори билан туризмни санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳужжатта мувофиқ 1.01.2021 йилдан 31.12.2023 йилгача жойлаштириш воситасининг тоифаси учун ундирилдиган туристик (меҳмонхона) йиғим суммасининг 50%и қайтарилади. Кўрсатилган сумма меҳмонхонага белгиланган тартибда берилган тоифа сақланган тақдирда тегишли йил якунига кўра қайтарилиши лозим.

2020 йил 1 августдан бошлаб:

➤ рейслар сони ва йўналишлари бўйича чекловларни бекор қилишни, шунингдек хорижий авиакомпанияларга бешинчи даражадаги «хаво эркинлиги»ни тақдим этишни назарда тутувчи «Очиқ осмон» режими «Андижон», «Бухоро» ва «Урганч» халқаро аэропортларида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ жорий этилади;

➤ хорижий авиакомпаниялар уларнинг тегишли ҳужжатларини текшириш натижаларига кўра Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) учинчи хавфсизлиги бўйича стандартларига мувофиқ бўлиши шарт билан хаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг мавжудлигидан қатъи назар «Очиқ осмон» режими жорий этилган халқаро аэропортларга доимий қатновларни амалга ошира олади;

➤ мамлакатнинг «Очиқ осмон» режими жорий этилган халқаро аэропортларига қатновларни амалга ошираётган хорижий авиакомпанияларга тариф

ва йиғимлар 3 йил давомида Ўзбекистон резиденти бўлган авиакомпаниялар учун белгиланган миқдорда қўлланилади;

➤ инвесторларнинг йўловчи ташувчи янги дор йўллари (Чорвоқ) эркин туристик зонаси ҳудудда ташкил этилаётганлардан ташқари) қуриш ва жиҳозлаш учун йўналтирилган харажатларининг бир қисми уларни 31.12.2023 йилга қадар фойдаланишга топшириш шарт билан ҳар бир 500 метр йўл учун Давлат бюджетидан Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилдиган маблағлар ҳисобидан 1 млрд сўм миқдоридан қопланади. Дастлабки 50 та лойиҳага йўналтирилган харажатларнинг бир қисми қопланади;

➤ Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Қурилиш вазирлигининг намунавий лойиҳалари бўйича қишлоқ жойларда жойлаштириш воситаларини тез қуриладиган конструкциялар (ўтовлар, контейнерлар, сэндвич панеллар) билан қуриш учун тадбиркорлик субъектлари харажатларининг бир қисми давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан ҳар бир ой учун 5 млн сўмгача миқдорда қопланади. Бундай субсидиялар берилиши шундай тилдаги жойлаштириш воситаларининг жойлари сони 50 мингтага етунига қадар ёки 31.12.2023 йилгача давом этади;

➤ 31.12.2020 йилга қадар «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» («Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган») тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган, туризм ва ёндош инфратузилма объектларининг бино ва иншоотларида санитария-эпидемиология хизмати ташкилотлари томонидан эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбир-

ларини амалга оширишга йўналтирилган ҳўжалик субъектларининг харажатлари Давлат бюджетидан ажратилдиган маблағлар ҳисобига қопланади;

➤ шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида улар туризм инфратузилмасини ривожлантириш қисмида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилади;

➤ гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига (ПҚ-4742-сон қарор билан тасдиқланган) киритилади.

1.07.2020 йилдан 1.07.2023 йилга қадар хусусий музейлар, бадиий галереялар ва ҳўнармандчилик марказларининг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи, мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда айланмадан олинладиган солиқ ставкалари белгиланган миқдорга нисбатан 50%га камайтирилади.

Туристлар учун «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизими (кейинги ўринларда - тизим) жорий этилади, унинг доирасида Хавфсиз туризм жамғармаси ташкил этилади. Ўзбекистон резиденти бўлган туроператор томонидан республика ҳудудидида ташкил этилган саёҳат давомида COVID-19 юқтириб олган хорижий туристларга 3 000 АҚШ доллари миқдоридида компенсация тўлаб берилади. Туроператорлар томонидан хорижий туристларга хизмат кўрсатиш карантин даврида фақат Тизимнинг хавфсиз объектлари реестрига киритилган туризм ва ёндош инфратузилма объектларида ташкил этилади.

Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида рўйхатга олинган туроператорларга ушбу ҳудудларга хизмат кўрсатиш учун двигател ҳажми 2,4 литрдан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга транспорт воситалари импорт қилинаётганда божхона божининг 50%ини тўлашга рухсат этилди. Улар божнинг қолган қисмини олиб қирилган санадан бошлаб 3 йил давомида тўлайди. Ушбу транспорт воситаларига давлатнинг рўйхатга олиш рақам белгиларининг алоҳида сериялари берилади. Улардан фақат ушбу вилоятлар ҳудудида фойдаланишга рухсат этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 20.06.2020 йилдан кучга кирди.


Эльмира Сиразиева.

АУДИТ

Карантин шароитида аудиторлик фаолиятининг муаммолари

Май ойининг охирида МДХ мамлакатлари профессионал аудиторлар ташкилотларининг кўпчилиги, шу билан бирга Халқаро бухгалтерлар федерациясининг (IFAC) вакиллари эълон қилинган пандемия ва карантин шароитлари муносабатлари билан аудиторлик фаолиятининг муаммоларини муҳокама қилдилар. Видеоконференцияни Россия профессионал аудиторлар ташкилоти («Содружество» аудиторлар уюшмаси ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилот) ташкиллаштирди. Ўзбекистондан конференцияда ЎЗР БАМУ Кенгашининг раиси Миновар Тўлахўжаева ва «Fineks» МЧЖ директори Борис Фроянченко қатнашди.

2-бетда



Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Қайси ҳолатлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун асос бўлади?

Хорижда ишлаганман. Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини босқичма-босқич тўлашим мумкинми?

8-БЕТ

Чет элдаги фуқароларимиз Ўзбекистон ҳимояси остида

Карантин шароитида аудиторлик фаолиятининг муаммолари

1-бетда Профессионал аудиторлар ташкилотлари муҳокамага ташлаган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари МДХ мамлакатларида деярли бир хил ёки жуда ўхшашдир.

Аудиторлик фирмалари дуч келган асосий муаммолар — бу қутилмаган ҳолат ҳамда ишни ташкил этишда мавжуд вазиятга зудлик билан мослашишдан иборат бўлди. Фирма ичида компьютер муомаласига ўтиш анчайин осон кечган бўлса-да, лекин аудиторлик текширувлари ўтказилган жойларда мижозлар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишда ҳам ташкилий, ҳам техник муаммолар юзага келди.

Биринчидан, барча корхоналар карантиннинг дастлабки вақтида-ноқ ходимларни «масофадан туриб ишлаш»га ўтказди ёхуд таътилга (маъмурий, меҳнат ва ҳ.к.) чиқариб юборди. Корхоналарда жуда кам одам қолди. Шунинг учун аудиторларнинг корхона ходимлари билан юзма-юз жонли муомаласи деярли узиб қўйилди. МДХлик аудиторлар мижознинг ходимлари билан жонли мулоқотга киришмай туриб аудиторлик текширувларини қандай ўтказиш мумкинлигини тасаввур қила олмас эдилар. Молия соҳаси ходимларининг ноутбуклар билан етарлича жиҳозланмаганлиги ҳамда хонадон Интернетининг мавжуд эмаслиги мижознинг ходимлари билан мулоқотнинг чекланишига олиб келди. Бу, айниқса, минтақаларга тегишли гап (вилоятлар ва ҳ.к.). Карантин юзага келтирган вазиятлар келгусида ходимлар муайян қисмининг ноутбуклар ва хонадон Интернет билан жиҳозланишига катта туртки бериши шубҳасиз.

Конференцияда аудиторлик текширувларини тугатиш муддатларига риоя қилиш масаласи муҳокама қилинди. Иштирокчилар Ўзбекистонда профессионал жамоат ташкилотлари ҳам, давлат регулятор

хисобланган Молия вазирлиги ҳам тезкорлик билан зарур чораларни кўрганлигини қайд этишди. Президент Фармони билан аудиторлик текширувларини якунлаш ва умумий йиғилишларни ўтказиш муддатлари сентябрь ойига ўтказилди (3.04.2020 йилдаги 5978-сон Фармоннинг 15-б. 3-хатбошиси). Бу аудиторларга ўз ишларини нисбатан бамайлихотир давом эттиришига имкон берди.

Ўзбекистон ҳукумати юзага келган муаммоларни юмшатиш учун зарур чораларни кўрганлиги ҳам қайд этилди. Махсус ҳукумат комиссияси тузилиб, у Ўзбекистондаги вазият тўғрисида ҳар куни аҳолини хабардор қилиб турди ва барча зарурий чораларни қабул қилди. Шундан кейин давлатимиз раҳбарининг аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлашга доир яна 2 та фармони чиқди (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон; 18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон).

Катта ҳажмдаги қоғозли таҳламлар — яъни бирламчи ҳужжатлар карантин даврининг асосий муаммоларидан бири сифатида эътироф этилди. МДХ мамлакатлари аудиторлик компанияларининг офисларида қоғозли ҳужжатлар шкафларда қаллашиб ётибди. Улар орасида компаниянинг ўзига қарашли ҳужжатлар (аудиторлик фаолиятининг миллий ва халқаро стандартларида назарда тутилган барча қоғозлар) ҳам, ҳар бир мижоз бўйича сўнгги 5 йилда шаклланган йўл-йўл ҳисоблар ҳам бор. Уларнинг барчасини уйга ташиб кетиб бўлармиди! Шунинг учун ҳаракатланиш чекланган даврда муайян ҳужжатга зарурат туғилгудек бўлса, муаммоларни билвосита йўллар билан ҳал этиш учун қўшимча вақт сарфлашга тўғри келган.

Шубҳасиз, вақти келиб, қатъий чекловлар ҳам ортда қолар-унутилар. Лекин кўплаб аудиторлик компаниялари ўзларига ҳулосалар чиқаришда ҳамда аудиторлик фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш

нинг йўллари белгилаб олишди. Шундай қилиб истиқболда аудиторлик фаолиятини қандай ўзгаришлар кутмоқда?

Бугунги кунда аудиторлик фирмалари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қоғозсиз технологияларга ўтиши учун барча имкониятлар мавжуд. «1С:Бухгалтерия» ва «1UZ Бухгалтерия ҳисоби» дастурларининг сўнгги версиялари таҳлилий ҳисобда мавжуд бўлган ва сканерланган бирламчи ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва бирламчи ҳужжатларни сканерлаш имконини беради. Албатта, бу мижоз учун ортқча иш дегани. Бироқ вақти келиб, бош бухгалтерлар компьютер базасидаги бирламчи ҳужжатларнинг сканер қилинган нусхаларига баҳо берадилар. Корхоналар молиявий бўлинмаларининг раҳбарлари эса ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда ўз вақтида рамиёллаштирилганини тезкорлик билан назорат қила оладилар. Пировардида аудиторлик фирмалари компьютер базасида мижозларнинг бирламчи ҳужжатлари ҳамда ҳар бир аудиторнинг электрон имзоларига эга бўлган ҳолда қоғозли ҳужжатлар айланишидан деярли бутунлай воз кечиш имкониятини қўлга киритадилар. Қоғозсиз технологияларга ўтиш сер

машаққат текширувларни сезиларли даражада қисқартиради, ҳужжатлар ишончлилиги ва сақланганлигини оширади, мижозлар билан маълумотлар алмашинувини осонлаштиради ва бирмунча тезлаштиради.

Конференцияда яна бир муҳим муаммо муҳокама қилинди — бу доимий ўзгаришлар, шунингдек аудитнинг янги халқаро стандартларини (АХС) тезкор тарзда инглиз тилидан таржима қилиш. Шу муносабат билан минтақавий мутахассислар гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди, бу мутахассислар ўзгаришлар ва янги стандартлар (АХС) инглиз тилида тайёрланган илк босқичдаёқ уларнинг таржимасида қатнашади, келгусида ҳужжатларга оператив ишлов бериш ҳамда ўз эътироз ва тақлифларини тақдим этиш имконияти яратилади. Бу АХСни такомиллаштириш жараёнига профессионал аудиторларнинг салмоқли ресурсларини жалб этишга замин яратади.

Конференциянинг кўплаб иштирокчилари кейинчалик — карантин чекловлари тугагандан кейин умумий муаммоларни ҳал қилиш ва аудитнинг норматив базасини такомиллаштириш учун халқаро видеоконференцияларни ўтказиб туриш мақсадга мувофиқлигини қайд этишди.

Борис Фроянченко,
«Fineks» МЧЖ директори.

БЕХАБАР ҚОЛМАНГ

200 ва 500 сўмлик банкнотлар муомаладан қайтариб олинади

Марказий банкнинг Телеграм-каналида эслатиб ўтилишича, Марказий банкнинг эски намунадаги 50, 100 сўмлик қийматдаги тангаларини, шунингдек 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 19.05.2018 йилда 3014-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ 2020 йил 1 июлдан қуйидагилар қонуний тўлов воситаси сифатида ўз кучини йўқотади:

- 1997 йил намунасидаги 200 сўмлик банкнотлар;
- 1999 йил намунасидаги 500 сўмлик банкнотлар.

Ушбу эски намунадаги пул белгилари 2020 йил 1 июлга қадар барча тижорат банклари бўлинмаларида қабул қилинади, ушбу санадан кейин эса Марказий банкнинг Бош ҳудудий бўлинмаларининг ҳисоб-китоб-касса марказларида бевосита муомалада бўлган банкнотларга алмаштириб берилади.

Шу муносабат билан МБ эски намунадаги 200 ва 500 сўмлик банкнотлар мавжуд бўлган тақдирда, уларни белгиланган тартибда муомаладаги пул белгиларига айирбошлаш мумкинлигини эслатиб ўтади.



Реклама

«КИЧИК-КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмаларни тақдим этишимиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Гаджимаржон кўч. 1/1, 6-қavat
Тел. (998 71) 283-24-05, 283-36-34, E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



УШБУ СОНДА

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
 - Туризм соҳасига қўшимча имтиёзлар тақдим этилади
 - 200 ва 500 сўмлик банкнотлар муомаладан қайтариб олинади
 - Пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмага бирлаштирилади
 - Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда юритилади

- Норезидент-биржа савдолари иштирокчиси қандай ҳисобга қўйилади **1, 7-бетлар**

- **АУДИТ**
 - Карантин шароитида аудиторлик фаолиятининг муаммолари **1-2-бетлар**

- **ПЕНСИЯ ИШИ**
 - Ўқитувчи пенсияга чиқмоқчи
 - Нафақалар — «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» орқали
 - Маҳаллаларда ижтимоий нафақаларни

- олиш тартиб соддалаштирилди
- Ижтимоий ҳимоя: иккита нафақа ва иккита маълумотнома — давлат хизматлари марказлари орқали
- Айрим асослар мавжуд
- Ҳам иш ҳақи, ҳам пенсия
- Ишончли вакил хабар бериши шарт
- Мустақил қарор
- Хорижга кетишга улгурмади
- Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадими?

- Неча фоизлигини билмоқчиман
- Пенсионер учун кредит
- Бепул тиббий хизматлар ҳақида
- РФда муддатидан олдин пенсияга чиқиш шартларини янгиллаштириш муҳокама қилинмоқда **3-6-бетлар**
- **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**
 - Ватанга қайтиш имконияти
 - Мақомни ўзгариштириш
 - **ОҒРИҚ НУҚТА**
 - Пандемия: кимга аза, кимга тўй... **8-бет**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман қўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Энди оилаларнинг ижтимоий нафақа олишга муҳтожлик даражаси соддалаштирилган таомил бўйича баҳоланади. Батафсил – ушбу сонда. Пенсия ёшига тўлганлар пенсияни расмийлаштириш ва олиш чоғида турли вазиятларга дуч келиши мумкин. «Norma» МЧЖ экспертлари бундай вазиятларни ҳал этишда ёрдам беради.

Экспертдан сўранг

Ўқитувчи пенсияга чиқмоқчи

Имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатида ўқитувчилар қонуний ўрин эгаллайди. Уларнинг айримлари ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда (эркаклар – 55 ва аёллар – 50 ёшда) пенсияга чиқади. Бундай пенсияни расмийлаштиришнинг айрим жиҳатлари ҳақида «Norma» компанияси эксперти Зафаржон Хўжаев сўзлаб беради.

– Қайси ҳолатларда ўқитувчи имтиёзли пенсия олиши мумкин?

– Биринчи навбатда таъкидлаш жоизки, камида 25 йил куйидаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ишлаган ўқитувчиларгина имтиёзлардан фойдаланиши мумкин:

➤ жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлар бўлган болалар учун мактаблар, мактаб-интернатлар, имконияти чекланган шахслар учун санатория типидagi мактаб-интернатлар, касб-хунар коллежлари, «Меҳрибонлик» уйлари;

➤ ҳарбий академик лицейлар, тарбиявий колониялар (3-сонли Рўйхатнинг VII қисми, ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган).

Шу билан бирга нафақат таълим йўналиши (8 тури белгиланган) ва синфлар тоифаси, балки уларнинг минимал тўлдирилиши ҳам ҳисобга олинади (Низомнинг 34-б., ВМнинг 13.09.2011 йилдаги 256-сон қарорига 1-илова).

МИСОЛ. Карлар (эшитмайдиганлар) учун ихтисослаштирилган мактабларда ишлайдиган ўқитувчилар учун (I тури), бошланғич синфларда камида 8 нафар, юқори синфларда 10 нафар ўқувчи бўлиши лозим. Ушбу талабга риоя этилмаган тақдирда, мазкур ўқув йили имтиёзли пенсия таъминоти учун ҳуқуқ берувчи махсус иш стажига қўшилмайди.

БУГУНГИ СОНДА:

ИЖТИМОЙ

ҲИМОЯ:

ИККИТА НАФАҚА
ВА ИККИТА
МАЪЛУМОТНОМА –
ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИ
МАРКАЗЛАРИ
ОРҚАЛИ

Қонунчиликдаги
янгиликлар

АЙРИМ АСОСЛАР
МАВЖУД

Қачон пенсия қайта
ҳисобланади

МУСТАҚИЛ ҚАРОР

Бир йўла ёки
бўлиб-бўлиб тўлаш
мумкин

БЕПУЛ ТИББИЙ
ХИЗМАТЛАР

ҲАҚИДА

Бўни билган яхши

Маълумот учун!

АЁЛЛАР 20 йиллик иш стажига эга бўлганда, **54** ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилади.

Маевзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Шу боис ўқитувчи имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун таълим бир йўналиш бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда синфларда болалар тўлдирилишининг минимал талабларига риоя этилган ҳолда ишлаши лозим.

– Махсус ўқитувчилик стажини аниқлашда қандай нормалар ҳисобга олинади?

– Иш вақти давомийлиги нормалари (педагогик юкланма). Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (АВ томонидан 12.03.2012 йилда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (3-сонли Рўйхатнинг VII қисми) ишлаш даврида амал қилган қонунчиликка асосан мазкур тоифадаги ишчиларга белгиланган иш вақтининг давомийлиги меъёрлари (педагогик юкланма) талабларига риоя этилган тақдирда, камида 25 йил ишлаган ўқитувчилар (шу жумладан логопедлар, дефектологлар) имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш фойдаланади.

Демак, қуйидагилар учун иш вақти давомийлиги белгиланган:

➤ барча турдаги ва номдаги мактаблар, мактаб-интернатларнинг 1–4 синф ўқитувчилари, логопед ўқитувчилар, ўқитувчи-дефектологлар, гимназиялар, лицейлар ўқитувчилари,

логопедик пунктлар мудирлари – бир ҳафтада 18 соат;

➤ барча турдаги ва номдаги мактаблар, мактаб-интернатларнинг 5–11 (12) синф ўқитувчилари; гимназия, лицейларнинг ўқитувчилари – бир ҳафтада 20 соат;

➤ барча ихтисослаштирилган ўрта таълим муассасалари, коллежлар, техникумларнинг ўқитувчилари – бир йилда 800 соат (Рўйхатнинг II бўлими, ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 4-илова).

МИСОЛ. 5–11 синф ўқитувчиси ногирон болалар учун таълим муассасасида 25 йил ишлаган. Бундан 15 йилда иш вақти давомийлиги бир ҳафтада 20 ва ундан ортиқ соатни ташкил этган, 10 йилда эса бир ҳафтада 20 соатдан кам ишлаган. Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажини 15 йилни (бир ҳафтада 20 соатдан ва ундан кўр ишланган давр) ташкил этади. Шу боис имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқи мавжуд бўлмайди.

Шу тариқа, имтиёзли шартларда пенсия тайинланиши учун муружаат қилган ўқитувчилар қўшимча равишда қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

➤ меҳнат фаолияти амалга оширилган таълим муассасасининг тури 3-сонли Рўйхатнинг VII қисмида назарда тутилган таълим муассасалари рўйхатига мувофиқ келиши;

➤ иш вақтининг давомийлиги меъёрлари (педагогик юкланма) талабларига риоя этили.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Нафақалар – «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» орқали

Вазирлар Маҳкамасининг 15.05.2020 йилдаги 286-сон қарори билан ҳукуматнинг «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликини қўллаган ҳолда тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (13.04.2019 йилдаги 308-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

ВМнинг 308-сон қарори билан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими жорий этилиши назарда тутилган. Ҳужжат билан идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликини қўллаган ҳолда ижтимоий давлат хизматларини кўрсатиш ва аҳолига ёрдам бериш билан боғлиқ тартиб-таомилларни автоматлаштириш, ариза берувчилар ҳамда ижтимоий давлат хизматлари ва ёрдам олувчиларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш бўйича вазифалар қўйилган.

Кам таъминланган оилаларга «Ягона реестр» АТ орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам бериш масаласини қўриб чиқиш ва тайинлаш тартиб-таомиллари Сирдарё

вилоятда пилот лойиҳа доирасида 2019 йил 1 октябрдан бошлаб амалга оширилган.

Янги ҳужжатда белгиланишича, кам таъминланган оилаларга 2019 йил 1 октябргача тайинланган ижтимоий нафақаларни тўлаш 2020 йил 1 майдан бошлаб Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми (ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарорига 1-илова) билан белгиланган тартибда, «Ягона реестр» АТ орқали амалга оширилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига 2020 йил 1 июнга қадар ўз ахборот тизимида жамоат ишлари ҳақини тўлаш бўйича электрон тўлов рўйхати ҳар бир олувчи жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами кўрсатилишини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 16.05.2020 йилдан қучга кирди.

Лола Абдуазимова.

Маевуви сонни Алла Ромашко олиб боради.



Маҳаллаларда ижтимоий нафақаларни олиш тартиби соддалаштирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2020 йилдаги 307-сон қарори билан Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарорига 1-илова) тегишли тузатишлар киритилди.

Хужжат Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон) ижроси юзасидан қабул қилинган, унда оилаларнинг ижтимоий нафақа олишга муҳтожлигини баҳолаш тартиб-таомилларини соддалаштириш, шу жумладан қуйидагилар топширилган эди:

➤ ижтимоий нафақа олиш учун ариза билан бирга тақдим этиладиган хужжатларни камайтириш;

➤ алоҳида трансфертларни оиланинг жами даромадларидан чиқариб ташлаш.

Хукумат томонидан бунинг учун қуйидаги чоралар қабул қилинди:

биринчидан, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлайдиган оиланинг ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик жами даромади миқдори тузатилди. Энди у ўртача ойлик МХЭКМнинг 52,7%идан кўп бўлмаслиги керак (*мурожаат қилинган ойдан олдинги охириги 3 ой учун*). Илгари – ўртача ойлик ЭКИХнинг 1,5 каррасидан кўп эмас.

иккинчидан, энди болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олиш учун бир оила таркибига қуйидагилар киритилмади:

➤ улар билан биргаликда яшайдиган болаларнинг боболари ва бувилари;

➤ болаларнинг ота-оналари (фарзандликка олувчилар) билан биргаликда хўжалик юритувчи бошқа шахслар;

учинчидан, ўртача ойлик жами даромад қийматини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган оиланинг жами даромадига, оила аъзолари томонидан олинган қуйидаги даромадлар киритилмади:

➤ ногиронлиги бўйича нафақа;

➤ боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқимандага);

➤ болаликдан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа;

➤ 16 ёшга бўлган ногирон болалар ва 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақа;

Пенсия жамғармаси орқали бериладиган бола туғилганлиги ҳамда дафн этиш маросими учун бир йўла тўланадиган нафақа;

тўртинчидан, агар оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромадлари тўғрисида

тақдим этилган маълумотларда даромад суммаси кўрсатилмаган бўлса ёки нормативдан паст кўрсатилган бўлса оиланинг ўртача ойлик жами даромадини ҳисоблаш қоида-си тузатилди. Энди ушбу норматив МХЭКМнинг 87,9%ига тенг (*илгари – 2,5 ЭКИХ*) ва даромадни нормативдан паст кўрсатган ёки даромади мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни хабар қилмаган ҳар бир оила аъзоси учун ҳисоб-китобда айнан у қабул қилинади.

Бундан ташқари, уларга ушбу қоида татбиқ этилмай-диган шахслар тоифаси рўйхати кенгайтирилди. Рўйхатга қуйидагилар қўшилди:

➤ нафақа олувчилар - пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қариялар ва меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олувчи фуқаролар, бола-ликдан ногиронлиги мавжуд шахсларнинг оналари, бола-ликдан ногиронлиги мавжуд шахслар, ОИВ инфекциясига чалинган шахслар, шунингдек, I ёки II гуруҳ ногиронлиги мавжуд шахслар;

➤ ўзгачанг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосини парвариш қилаётганлар;

➤ туман (шаҳар) аҳоли бандликка кўмаклашиш мар-казига иш қидирувчи сифатида расмий мурожаат қилган фуқаролар (*илгари рўйхатда фақат ишсиз сифатида рўйхатга олинган фуқаролар мавжуд бўлган*);

бешинчидан, МХЭКМ жорий этилиши муносабати билан Оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалиги юритишдан оладиган норматив даромадини ҳисоблаш методикаси ҳам тузатишлар киритилди;

олтинчидан, Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари-нинг рўйхати кенгайтирилди. Энди муҳтож бўлганларнинг ушбу тоифаси бошқалар қатори, қуйидагиларни ҳам оладилар:

- бир марта ишлатиладиган стерил ниқоб;
- бир марта ишлатиладиган стерил қўлқоплар;
- суюқ ёки гель ҳолидаги антисептик;
- антибактериал совун.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 21.05.2020 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Ижтимоий ҳимоя: иккита нафақа ва иккита маълумотнома – давлат хизматлари марказлари орқали

Вазирлар Маҳкамасининг 23.05.2020 йилдаги 327-сон қарори билан Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишининг айрим маъмурий регламентлари тасдиқланди

Ўтган йили айрим ҳудудларда тажриба лойиҳаси амалга оширилаётганлиги маълум қилинган эди, лойиҳа доирасида фарзанд туғилганда ва дафн маросими учун бериладиган нафақалар Давлат хизматлари марказлари (ДХМ) орқали тайинланадиган бўлди. Янги ҳужжатга биноан ушбу тартиб республика бўйлаб татбиқ этилади. Тегишли маъмурий регламентлар тасдиқланди.

Бундан ташқари, ДХМ орқали қуйидаги маълумотномалар берилади:

➤ фуқаронинг пенсия олувчилар рўйхатида мавжудлиги ҳақида;

➤ пенсия миқдори тўғрисида.

Нафақалар ва маълумотномаларни расмийлаштириш жараёни тўлиқ автоматлаштирилади. Шу мақсадда 2020 йил 1 июнга қадар Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали хизматлар кўрсатилиши жорий этилди, шунингдек Пенсия жамғармасининг (ПЖ) маълумотлар базаси ФХДЭнинг ягона электрон архиви ахборот тизими билан интеграция қилинди.

Фарзанд туғилганда бериладиган нафақа, ПЖнинг ҳудудий бўлимлари томонидан тайинланади ҳамда нафақа олиш учун бола туғилган кундан эътиборан 6 ой мобайнида мурожаат этилган тақдирда ишламайдиган оналарга

ДХМ орқали нафақа берилади. *Ишлайдиган ва ўқийдиган ота-оналарга нафақа иш ёки ўқиш жойидан тўланади (Низомнинг 80-банди, АВ томонидан 8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

Дафн маросими учун нафақа қуйидаги ҳолатларда ПЖнинг ҳудудий бўлимлари томонидан тайинланади ҳамда ДХМ орқали расмийлаштирилади:

➤ давлат пенсиясини олувчи пенсионер вафот этганда;

➤ давлат ижтимоий нафақасини олувчи фуқаро вафот этганда;

➤ бола туғилган дастлабки ҳафтада вафот этганда ёки ўлик бола туғилганда (перинатал ўлим);

➤ иш билан банд ёки ишсиз бўлган шахслар ҳамда фуқаролар ёки болаларнинг айрим тоифаларига мансуб бўлган шахслар вафот этганда;

Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлмаган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар вафот этганда ва улар Ўзбекистон ҳудудида дафн этилганда (*Низомнинг 6-б., 1-хатбошиси, ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон қарорига 1-илова*).

Нафақа дафн маросимини ўтказишни ўз зиммасига олган шахсга берилади.

Ходим ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоси вафот этган тақдирда, тегишли корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан нафақа тайинланади ва тўланади (*Дафн маросими учун нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди 2-хатбошиси*).

Нафақа ва маълумотномаларни олиш учун мурожаат қилиш тартиби

Иккала турдаги маълумотномаларни олиш тартиб-таомиллари бир хил. Хизматлардан ДХМга ўзи келиб ёки ЯИДХП орқали онлайн тарзда фойдаланиш мумкин. Хизматларни олиш учун мурожаат этилганда электрон сўровнома тўлдирилади, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: ариза берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг паспорт серияси ва рақами, ЖШШИР, туғилганлик (вафот этганлик) ҳақидаги гувоҳноманинг серияси ва рақами, болага (марҳумга) алоқадорлиги ва бошқалар. Ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиш талаб этилмайди. Тўлдирилган сўровнома 5 дақиқа мобайнида ПЖ бўлимига юборилади, у ерда 5 дақиқа мобайнида нафақа пули тайинланади ёки уни тайинлаш рад этилади (сабаблари кўрсатилади). Кейин ПЖ бўлими нафақани қачон ва қаердан олиш кераклиги ҳақида хабардор қилади.

Фуқаронинг пенсия олувчилар рўйхатида мавжудлиги ҳақида ҳамда пенсия миқдори тўғрисидаги маълумот-



Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

номаларни ДХМ орқали олиш тартиби юқорида айтиб ўтилган тартибга ўхшашдир. Барча тартиб-таомиллар ба-
жарилганидан кейин QR-код (матрикс штрих-код) қўйилган
маълумотнома расмийлаштирилади.

Хизматлар бепул кўрсатилади.

**Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий
базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.05.2020 йилдан
кучга кирди.**

Ленара Хикматова.

БИЗГА ЁЗГАН ЭКАНСИЗ

Айрим асослар мавжуд



Қайси ҳолатлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун асос бўлиши мумкин? Пенсияни хабардор қилмаган ҳолда пенсия тўловларини камайтириш ёки кўпайтириш мумкинми?

– **Пенсияни қайта ҳисоблаш учун бир қатор асослар мавжуд.** Уларга қуйидагилар киритилади (*Низомнинг 142-б., ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-шлова*):

а) пенсионер томонидан пенсия ҳужжатлар йиғмажил-
дида мавжуд бўлмаган ва пенсия миқдорига таъсир кўр-
сатадиган қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши (иш стажини
ва пенсия тайинланганга қадар иш ҳақи тўғрисида);

б) ногиронлик гуруҳининг ўзгариши;

в) боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила
аъзолари сонининг ўзгариши;

г) устам ҳақ олиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши;

д) пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдорининг ўзга-
риши;

е) даромадларнинг индексация қилиниши.

Қуйидаги ҳолларда пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш
тўғрисида ариза бериш талаб этилмайди (*252-сон Низом-
нинг 149-б.*):

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсияни қайта ҳисоб-
лаш базавий миқдори ўзгарганда;

➤ тайинланган пенсия миқдори камайишига олиб кел-
ган ҳолатлар юз берганда;

➤ оиланинг 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган аъзоларидан
бири таълим муассасасидан берилган унинг ўқувчи экан-

лиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этган тақдирда
боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила аъзо-
лари сони ўзгарганда;

➤ ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

➤ I гуруҳ ногиронлиги белгиланганда.

Бошқа ҳолатларда пенсия миқдори фақат пенсио-
нернинг аризасига асосан қайта ҳисобланиши мумкин.

Кўп учрайдиган ҳолатлардан бири пенсияни ортиқча
тўланган тўловларни ушлаб қолган ҳолда қайта ҳи-
соблаш ҳолатидир. Мазкур ҳолат тайинланган пенсия
миқдорининг камайишига олиб келишига асос бўлади.
Бунга пенсионернинг нотўғри маълумотлар кўрсатилган
ҳужжатларни тақдим этганлиги ёки боқувчисини йўқот-
ганлик пенсиясини олувчи оила аъзоларининг таркиби
ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотлар тақдим этил-
маганлиги ёхуд **ҳисобдаги ёки бошқа техник хатолик сабаб бўлади.**

Мазкур ҳолатда пенсияни қайта ҳисоблаш тўғрисида
ариза тақдим этилиши талаб этилмайди. Бюджетдан
ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўли-
мининг қарори ушлаб қолиш учун асос бўлади, бу ҳақда
пенсионерга ўз вақтида хабар берилиши лозим (*«Фуқа-
роларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги
Қонуннинг 65-м.*).

Ҳам иш ҳақи, ҳам пенсия



Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оламан. Ишга кирмоқчиман.
Ишга жойлашадиган бўлсам аввалгидек пенсия тўланадими ёки тўхтатиладими?

– Пенсия тўланади. Боқувчисини йўқотганлик пен-
сиясини олувчилар предмети пенсионер томонидан
ишлаб бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши
ҳисобланган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома
бўйича ишга жойлашганда, жорий йил 1 майдан

бошлаб пенсиялар уларнинг яшаш жойи бўйича
тўғридан-тўғри Пенсия жамғармаси томонидан тў-
ланади. Пенсия Халқ банки бўлинмалари томонидан
етказиб берилади (*27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон
Фармон*).

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Ишончли вакил хабар бериши шарт



Вилоятда яшайдиган онамнинг пенсиясини ишончнома бўйича оламан. Бунда Пенсия жамғармаси бўлимида қайддан ўтишим кераклиги ҳақида эшитдим. Бу шундайми?

– Ҳар доим ҳам эмас. Ишончли вакил пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган ўзига маълум ҳолатлар тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига хабар бериши шарт.

Бироқ ишончли вакил, яъни онангиз Пенсия жамғармаси бўлимига бир йилда камида бир марта бориб, тайинланган пенсияга бўлган ҳуқуқини тасдиқлаши лозим (252-сон Низомнинг 160-банди).

Мустақил қарор



5 йил хорижда ишлаганман. Барча ҳужжатлар мавжуд.

У мазкур давр учун Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини бир йўла эмас, балки босқичма-босқич тўлаши мумкинми?

– Ҳа, мумкин. Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс томонидан Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов қуйидаги тартибда тўланади:

- ҳар ойда ёки ҳар чорақда;
- бир йўла - Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб 3 йил мобайнида.

Бунда пенсия билан таъминлаш миқдоридан

келиб чиқилган ҳолда Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов миқдорини мустақил равишда, бироқ йилига Пенсия жамғармасига уни тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 4,5 баравари миқдорида белгилаш мумкин (Низомнинг 8, 9-бандлари, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова).

Хорижга кетишга улгурмади



РФ доимий яшаш учун ҳужжатларни расмийлаштирдим. 6 ойлик пенсиямни олдиндан олдим. Бироқ бу даврда кета олмадим. Ҳозир қариндошларимнинг ўзида вақтинчалик пропискадан ўтганман. Пенсия жамғармасига мурожаат қилиши ва вақтинчалик пенсияни расмийлаштиришим мумкинми?

– Ҳа, албатта. Шахс 6 ой учун олдиндан пенсия тўлангандан кейин доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетмаган тақдирда, унга пенсия тўланган 6 ойлик давр тамом

бўлгандан кейин пенсияни навбатдаги тўлаш учун мурожаат қилганда 6 ойлик пенсия яна олдиндан тўланиши мумкин (252-сон Низомнинг 181-банди).

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадими?



Ташкилотимиз ходимининг аёли вафот этди. Соғлиғи туфайли у ҳеч қерда ишламаган ва бутунлай турмуш ўртоғининг қарамоғида бўлган.

Дафн этиш маросими учун нафақани ким тўлайди: Пенсия жамғармасими ёки ташкилотми?

– Нафақаларни тўлаш ва етказиб бериш харажатлари (ташкилотларнинг банк хизматлари учун харажатлари ҳисобга олинмайди) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади (Низом, ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон қарорига 1-илова).

Нафақа Низомнинг III бўлимига мувофиқ вафот этган

нафақа олувчининг яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими томонидан тайинланади ва тўланади.

Шу билан бирга ташкилот томонидан ўз маблағлари ҳисобидан оила аъзоси вафот этган ходимга қўшимча тўлов тўланиши мумкин. Мазкур шарт ташкилотнинг жамоа шартномасида кўрсатилиши шарт.

Маълумот учун!

Фуқароларнинг айрим тоифалари Қонунга мувофиқ ИМТИЁЗЛИ ШАРТЛАРДА ёшга доир пенсия олиш ҲУҚУҚИГА ЭГА.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Неча фоизлигини билмоқчиман



Хозир ШЖБПХга ажратмалар неча фоиз ўтказилапти?

– 2020 йил учун мажбурий бадаллар суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларнинг иш ҳақи (даромади) дан jismoniy шахслардан олинадиган даромад солиғи

ушлаб қолинадиган сумманинг 0,1% миқдорида ўтказилади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди).

Зафаржон Хўжаев,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ САВОЛ

Пенсионер учун кредит



Пенсия картамга қандай кредит олишим мумкин, бу қандай амалга оширилади?

– Пенсия овердрафт пластик карточкасига пенсиянинг 50%и миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан ошмайдиган миқдорда кредит олиш мумкин.

Кредит 3 кун ичида расмийлаштирилади. Бунинг учун банкка ариза билан мурожаат этиш лозим. Ёнингизда паспорт бўлиши керак.

Карта бўйича пенсия қолдигига ҳар ойда фоиз тўланади (йиллик 8%).

Банкомат орқали ва Халқ банки кассаларида картадан нақд пул ҳақ ушланмасдан ечиб олинади.

Картадан Ўзбекистонда ва дунёнинг 170 тадан ортиқ мамлакатларида фойдаланиш мумкин.

Халқ банки матбуот хизмати.



БУНИ БИЛГАН ЯХШИ

Бепул тиббий хизматлар ҳақида

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 11.08.2017 йилда 2911-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳоли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан аҳолининг қуйидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатилади:

- ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар;
- муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар;
- ижтимоий аҳамиятга молик қасалликларга чалинган шахслар;
- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

➢ 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар;

➢ 1941–1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жаб-ҳасининг қатнашчилари;

➢ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий ҳимояга муҳтож деб топишган бошқа шахслар.

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга бепул тиббий хизматлар кўрсатиш учун уларнинг шахсини ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга мансублигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга кўрсатиладиган бепул тиббий хизматларнинг турлари ва ҳажми тиббий фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензияда кўрсатилган ихтисосликлар доирасида ташхис қўйиш ва даволаш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда хусусий тиббиёт муассасалари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг бепул тиббий

Мавзுவий сонни Алла Ромашко олиб боради.

хизмат олиш бўйича мурожаатлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий сайтидаги махсус электрон базага мурожаат қилинган кунда мурожаат этувчининг навбатини кўрсатган ҳолда онлайн режимида киришиб борилади. Шунингдек хусусий тиббиёт муассасалари томонидан мурожаатлар махсус журналда (қоғоз ёки электрон шаклда) рўйхатга олинади.

Жорий йилда кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлар ҳажми ва сарфланадиган маблағлар миқдори

олдинги йил якунлари бўйича солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида ҳақиқатда бўшаган жами маблағларнинг 25%идан кам бўлмаган қисмини ташкил этиши лозим.

Бепул тиббий хизматлар рўйхати муассасага киришда ёки бошқа кўринарли жойга, шунингдек маълумотлар тахтасига жойлаштирилади ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сайтидаги махсус электрон базага кирилади.

Маълумот учун. Президентнинг «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (1.04.2017 йилдаги ПҚ-2863-сон) мувофиқ аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатадиган (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) хусусий тиббиёт муассасалари, жумладан хорижий инвесторлар иштирокидаги хусусий тиббиёт муассасалари 2022 йил 1 январга қадар барча солиқ турларидан ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади. Бунда бўшайдиган маблағлар хусусий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий, муҳандислик-техник ускуналар ҳамда жиҳозлаш ва уларга сервис-техник хизмат кўрсатиш, тиббиёт мақсадлари учун эҳтиёт қисмлар, сарфлаш материаллари, инвентарь ва бошқа буюмлар харид қилиш, тиббий хизматлар кўрсатиш учун янги бинолар қуриш, маъжуд бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш, шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатишга мақсадли йўналтирилади.

Хорижда қандай

РФда муддатидан олдин пенсияга чиқиш шартларини енгиллаштириш муҳокама қилинмоқда

Бундай чора-тадбирлар Россия иқтисодиётини тиклаш режаси лойиҳасига киритилган. Режага мувофиқ 2020 йил охиригача умумий стажидан қатъи назар, пенсияга чиқишига 3 йил қолган россияликлар пенсияга чиқишлари мумкин бўлади.

Ҳужжат муаллифлари бу чора бандлик ва меҳнат бозорини таъминлашда кўмак бўлишига ишонадилар. Бундан ташқари, ишсизлик нафақасининг энг кам миқдорини 4,5 минг рублгача ошириш режалаштирилмоқда. Бу ташаббуслар ижтимоий кескинлиқни пасайтиришга ёрдам беради ва бюджетдан қатта харажатларни талаб этмайди, деб маълум қилдилар экспертлар.

Шу тариқа, Меҳнат вазирлиги бандлиқни таъминлаш мақсадида муддатидан олдин пенсияга чиқиш шартларини енгиллаштиришни тақдиф этди. Бугунги кунда суғурталанган стаж аёлларда 20 йилни ва эркекларда 25 йилни ташкил этган тақдирда, пенсия ёшига тулишига 2 йил қолганда ишини йўқотган фуқароларга шундай имконият берилмоқда.

Яна бир шарт – бандлик хизмати бундай шахслар янги ишга жойлаша олмаслигини тасдиқлаши лозим.

Иқтисодиётни тиклаш режасининг ишчи версиясида 2020 йил охиригача пенсияга чиқишига 2 йил эмас, балки 3 йил қолган фуқароларга, яъни 53,5 ёшдаги аёллар ва

58,5 ёшдаги эркекларга ҳам муддатидан олдин пенсияга чиқиш имконияти берилиши тақдиф этилмоқда. Эслатиб ўтамиз, 2020 йилда 56,5 ёшдаги аёллар ва 61,5 ёшдаги эркеклар пенсияга чиқишлари мумкин. Аёллар учун 20 йиллик ҳамда эркеклар учун 25 йиллик стаж бўлиши зарурлиги шарти режада келтирилмаган.

Шу билан бирга ҳужжатда 2020 йил май ойидан бошлаб 3 ойга ишсизлик нафақасининг энг кам миқдорини 4,5 минг рублгача ошириш тақдиф этилган (ҳозир у 1,5 минг рублни ташкил этади). Ушбу муддатда 1 мартдан кейин фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган ЯТТлар учун тўловлар миқдорини МҲЭКМга (12,1 минг рубль) тенглаштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, режада бандликнинг турли хил шакллари ривожлантириш ҳамда қайта ўқитиш ва малака ошириш онлайн-дастурларини ишлаб чиқиш кўрсатилган.

Интернет тармоғи материалли асосида.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмага бирлаштирилади

Вазирлар Маҳкамасининг 22.06.2020 йилдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 397-сон қарори қабул қилинди.



Хужжат билан Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси ташкил этилади, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- кластерлар фаолиятида юзага келадиган тизимли муаммоларни ҳал этиш;
- давлат бошқаруви органларида пахта-тўқимачилик кластерлари манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотни экспорт қилиш ҳажмини кенгайтириш;
- хом ашё базаси, кластерлар инфраструктурасини комплекс ривожлантириш;
- кластерлар ва фермер ҳўжаликлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш.

Уюшма тузилмасида тармокни ривожлантиришнинг истиқболли ва устувор йўналишларини белгиладиган Пахта-тўқимачилик кластерлари кенгаши ташкил этиш назарда тутилган. Муассисларнинг умумий йиғилиши қарори билан уюшманинг ижро аппарати тузилмаси тасдиқланади ҳамда унинг раиси ва ўринбосарлари сайланади.

Уюшма фаолиятини молиялаштириш аъзолик бадаллари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади. Уюшма Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Шота Руставелли кўчаси, 8-ўй манзилидаги «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ биносидида жойлаштирилади.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер ҳўжаликлари ўртасида ўзаро муносабатларни такомиллаштириш мақсадида кластерлар фаолиятини

баҳолаш тизими жорий этилади. Баҳолаш ижоралараро комиссия ва ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан ҳар йили 25 декабрга қадар ўтказилади.

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом;

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш бўйича идоралараро комиссия таркиби;

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳнинг намунавий таркиби.

Кластерлар фаолияти балли тизим асосида қуйидаги йўналишлар бўйича баҳоланади:

- пахта хом ашёсини етиштиришдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирини ташкил этиш даражаси (умумий кўрсаткичнинг 50%);
- ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги ва замонавий техника ва технологияларни қўллаш даражаси (30%);
- фермерларнинг манфаатдорлигини ҳисобга олиш даражаси (10%);
- пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бошқа масалалар (10%).

Идоралараро комиссия кластерлар фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра, кластернинг фаолияти самара бермаётганиги тўғрисида қарор чиқариши ҳамда тегишли ҳудудда кластер ташкил этиш учун янги муассисларни тавсия этиши мумкин.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.06.2020 йилдан кучга кирди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда юритилади

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 24.06.2020 йилдаги «Хуқуқбузарликларнинг олдини олишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 407-сон қарор қабул қилинди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юритишнинг рақамлаштириш мақсадида хужжат билан ИИБ, Адлия



вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Маъмурий ҳуқуқ-

бузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув» лойиҳасини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Лойиҳа доирасида қуйидагилар назарда тутилган:

➤ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўзга тутиш, кўриб чиқиш ва баённома тузишга ваколатли органлар, судлар ва Бош прокуратура ҳузуридаги Махбурий ижро бюросининг электрон ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграциялаштириш;

➤ маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритишда фойдаланиладиган процессуал ҳужжатларнинг ягона электрон базасини шакллантириш;

➤ ортиқча босқичларни бекор қилиш ва муддатларни қисқартириш орқали иш юритиш тартибини соддалаштириш;

➤ автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизими, шахсни идентификация қилишнинг автоматлаштирилган тизими ҳамда биометрик паспорт тизимини модернизация қилиш.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича Идоралараро комиссияга бир ой муддатда лойиҳани 2021 йил 1 январга қадар Тошкент шаҳри ҳудудида амалга ошириш бўйича иш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Соддалаштирилган тартибга биноан пойтахт ҳудудида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг соддалаштирилган тартиби планшет компьютер ёрдамида амалга оширилади, ҳуқуқбузарнинг шахси ИИБ маълумотлар базасидан биометрик паспорт ёки юз тизилишини расмга олиб, шунингдек бармоқ изларини тушириш орқали аниқланади.

Норезидент-биржа савдолари иштирокчиси қандай ҳисобга қўйилади

ДСҚ томонидан Товар-хом ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3245, 18.06.2020 й.) тасдиқланди.

Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар биржа савдоларини ташкил этувчи жойлашган жойдаги солиқ органида солиқ тўловчининг идентификация рақами берилган ҳолда ҳисобга қўйилади. Бунда солиқ органида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бепул амалга оширилади.

Норезидент юридик шахслар биржа савдоларида қатнашишдан олдин солиқ органларига ҳисобга қўйиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- белгиланган шаклда ариза;
- ўзи таъсис этилган мамлакатда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нотариал тарзда тасдиқланган нусхаси;
- ваколатли шахснинг фуқаролик паспорти нусхаси;
- норезидент юридик шахс ваколатли шахсининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг давлат тилига таржима қилинган нотариал тарзда тасдиқланган нусхаси.

Солиқ органлари норезидент-биржа савдоларида қатнашувчи тўғрисидаги маълумотларни ДСҚнинг автоматлаштирилган тизими орқали Солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритади. Ариза ва зарур ҳужжатлар топширил-

Хуқуқбузар тайинланган жаримани «Электрон ҳуқуқ»нинг ягона биллини тизими орқали тўлаши мумкин.

Тўлов тўғрисидаги маълумот электрон базага баённома топширилган санадан эътиборан 15 кун ичида келиб тушмаган тақдирда, иш автоматик тарзда умумий асосларда кўриб чиқиш учун тегишли ваколатли органларга жўнатилади.

Қуйидаги ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган тартибда юритилмайди:

- ҳуқуқбузар уни рад этса;
- жарима жазосидан бошқа турдаги санкциялар қўлланилса;
- ҳуқуқбузар чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса;
- зарар қўрган тараф зарарни ундиришни талаб қилса ва бошқалар.

ИИБга манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар автоматлаштирилган мультибиометрик идентификация қилиш тизими учун 40 млн нафар шахснинг анкета маълумотлари, ташқи юз қиёфаси ва қўл излари маълумотларини қайта ишлашга мўлжалланган дастурий таъминот ва сервер қурилмаларини ҳамда «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуаси учун сервер қурилмаларини харид қилиш топширилди.

Лойиҳани Тошкент шаҳрида амалга ошириш тажрибасини инобатга олган ҳолда Идоралараро комиссия 2021 йил 1 ноябрга қадар лойиҳани мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши лозим.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 25.06.2020 йилдан кучга кирди.



гандан кундан эътиборан уч иш куни ичида ариза берувчига солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги ва унга СТИР берилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Биржа савдоларида қатнашувчи сифатида фаолият тўлиқ тугатилганда, норезидент 15 кундан кечиктирмай солиқ органига ҳисобдан чиқариш тўғрисида ариза тақдим этади. Солиқ органи ариза берилган кундан эътиборан уч иш куни ичида, норезидент томонидан солиқ мажбуриятлари тўлиқ бажарилган ва солиқ қарзи мавжуд бўлмаганда, биржа савдолари қатнашчиси бўлган норезидентнинг ҳисобдан чиқарилиши.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 18.06.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

Ватанга қайтиш ИМКОНИАТИ

Дўстим – Ўзбекистон фуқароси 22 ёшида ота-онасиз қолди. У Тошкентда секта қўлига тушиб қолди, унга квартирасини сотиб, сектанинг жамоаси билан бирга яшашни таклиф қилишди. Квартира сотилгандан кейин таклиф қилганлар пулни олиб қўйиб бўлишди. Йигит Москвага ишлагча келди, лекин текширув чоғида ёнида ҳужжати бўлмаган. Ўзбекистонга депортация қилиш ҳақида қайд этилди. Москвада 2,5 йилдирки, расмий равишда ишлаб олмайди, Тошкентга қайтаман деса турар жойи йўқ. У Тошкентда туғилган, ота-онаси ҳам шу ерда дафн этилган.

Ўзбекистон ҳукумати ўз фуқаросини қўллаб-қувватлаб, ватанига қайтишига ҳамда уй-жой ва ишли бўлишида ёрдам кўрсата оладими?

– Чет элдаги Ўзбекистон фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳимояси остида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари унинг номидан бўлиш мамлакати қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон иштирокчиси ҳисобланган халқаро шартномаларда, халқаро ҳуқуқнинг умумбелгиланган нормалари, халқаро аъёналарга кўра бўлиш мамлакати томонидан тақдим этилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон фуқаролари тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун барча чораларни кўриши шарт. ЎЗР консуллик муассасалари ва дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик бўлимлари томонидан Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар бузилганда тиклаш чоралари кўрилади («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси).


Шу тариқа, дўстингиз Москва шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Элчихонасига мурожаат қилиши лозим, у ерда Қонуннинг ушбу моддасида кўрсатилган чоралар кўрилиши шарт.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, консуллик муассасаси текширув ўтказиб, дўстингизнинг шахсини аниқлаганидан кейин ватанига қайтиш учун сертификат беради. Бундан кейин у Тошкентга қайтиши, турар жой мулкдорининг рухсати билан исталган манзили бўйича ҳисобга туриши ва сертификатга асосан ватанига қайтгандан сўнг паспорт олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олгач, ҳеч қандай муаммоларсиз дўстингиз ишга жойлашиши мумкин.

Мақомни ўзгартириш

СССР паспортига эга эдим, уни Қирғизистонда олганман. Ўзбекистонга 1992 йил 1 апрелда келганман. ОВИРга Ўзбекистон фуқаролигини олиш масаласи бўйича мурожаат қилдим. 9-сон шаклни беришди. 1996 йилгача чўзишди ва яшаш гувоҳномасини беришди. Ҳозирга қадар ҳар 5 йилда унинг муддатини узайтираман.



Нега ҳозирга қадар менга Ўзбекистон фуқаролигини беришмаяпти, ушбу вазиятда қандай йўл тутишим керак?

– «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ 1996 йил 1 январга қадар Ўзбекистон ҳудудига келган ва доимий прописка қилинган, хорижий давлат фуқаролигини қабул қилмаган ва Қонун кучга киргунига қадар фуқаролиги бўлмаган шахслар учун яшаш гувоҳномасига асосан яшаб келаётган шахслар фуқаролиқни олиш истagini билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб эътироф этилади.

Шу тариқа, Ўзбекистонга 1992 йилда келиб, 1996 йил 1 январга қадар республика ҳудудига доимий прописка қилинмаганди ва 9-сон шакл бўйича яшаб келганди, ушбу шакл ички ишлар органларида паспорт йўқолганлиги тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш даврида берилган вақтинча маълумотнома ҳисобланади. Бу сизнинг эмас, паспорт столидагиларнинг айбидир, Ўзбекистонга Қонун кучга киргунига қадар – 1992 йил 28 июлга қадар келганингиз сабабли улар сизни доимий прописадан ўтказиши ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини бериши лозим эди. (Қонуннинг 4-моддаси).

Шу муносабат билан фуқаролиги бўлмаган шахс мақомини қайта кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ҳуқуқига эгасиз, сабаби фуқаролик масалаларига оид аризаларни қабул қилишдан асоссиз бош тортганлик, аризани кўриб чиқиш муддатлари бузилганлик, шунингдек мансабдор шахсларнинг фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ва фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш тартибини бузадиган бошқа ноҳақ ҳатти-ҳаракатлари хусусида улар бўйсунадиган юқори мансабдор шахсга ёки судга қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин (Қонуннинг 44-моддаси).

Санжар Хўжааҳмедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Пандемия: кимга аза, кимга тўй...

Бугунги кунда республикаимиз истеъмол бозорида кўпгина савдо тармоқлари ўз товарлари учун ҳақни бўлиб-бўлиб олиш шarti билан сотиш амалиётини йўлга қўйган.

Arba.uz, Creditasia.uz, Mediapark.uz, Esavdo.uz, «Техномарт», «Home credit», «Мунис кредит» сингари ва бошқа маҳаллий аҳолига маиший техникаларни кредитга бераётган тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатаётганлиги банклардан истеъмол кредити ҳисобига маиший техника харид қилгунча юқорида номлари саналган савдо тармоқларига ўхшаш тармоқлардан бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан харид қилишни афзал билувчиларга айна мудаодир.

Ҳозирги пандемия шароитида республикаимиз аҳолисининг катта қисми уйда қолишга тўғри келди. Бу албатта аҳолининг даромадига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Кунлик ишларда меҳнат қилаётган қатлам айниқса энг кўп қийинчиликка учради.

Кундалик эҳтиёжлари учун уй-рўзгорга керакли маиший техникаларни кредит асосида (бўлиб-бўлиб тўлаш шarti) харид қилган мазкур фуқароларимиз томонидан вазият тақозоси билан таннариҳи ва фоиизини тўлай олмасликлари кундек равшан.

Аммо ўз манфаатини ҳар нарсадан устун қўяётган айрим «тадбиркорлар» ҳозирги ҳолатни сира эътиборга олишмаяпти. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига айнан мазкур масала бўйича жуда кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Мазкур мурожаатларнинг аксари истеъмолчи томонидан карантин шароитида уйда қолганлиги, ишламаётганлиги сабабли вақтинчалик тўлов қобилиятига эга эмаслиги туфайли белгиланган тўловларни ўз вақтида амалга ошира олмаётганлиги, аммо буни савдо тармоғи инобатга олмаётганлигидан шикоят қилмоқда.

Мазкур савдо тармоқлари ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаган истеъмолчиларга пеня ҳисоблаётганлик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Пандемия шароитида давлатимиз томонидан тадбиркорларга жуда кўп қулайлик ва имтиёзлар яратилганлиги, уларга кредит тўловларида берилган имкониятлар иқтисодиётимиз асоси бўлган тадбир-

корликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун хизмат қилмоқда.

Нега эди давлатнинг бу каби ғамхўрлигини ҳис қилаётган, ўзининг фаолиятида шу имтиёزلардан фойдаланаётган тадбиркорларимиз айна пайтда фуқароларимизга пандемия шароитдан келиб чиқиб имконият яратиб бермаяпти. Нега улар иқтисодий қийин аҳволга тушган истеъмолчиларни яъни ўз мижозларини ўйлашмаяпти.

Ахир уларни бой қилаётган, бизнесларининг гуллаб-яшнашига сабабчи бўлаётган шу фуқароларимиз эмасми?

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси аҳолига товарларни кредит асосида (бўлиб-бўлиб тўлаш шarti) сотувчи тадбиркорлик субъектларига мазкур вазиятда аҳолини тўғри тушуниб, кредит тўловларида қулайлик яратишга чақиради. Зеро бу пандемия элга келган тўй, бу муаммони биргаликда енгмасак, четдан келиб бирор киши ҳал этиб бермайди.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси матбуот хизмати.
ЎЗА.

ОҒРИҚ НУҚТА

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Раъно
ИСМАИЛОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида теригиди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоқ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма тибок. Басоси келтирилган нархда.
Буюртма 1-622. Адади 550. Газета 2020 йил 29 июнь соат 16.30 да топширилади.